



Абдураззок Самаркандий хижрий 12-шаъбон, 816 (мелодий — 7 ноябр, 1413) йили Темурийлар давлатининг Хирот шаҳрида тугилди. Унинг тўлик исми Камолиддин Абдураззок, отасининг исми Жалолиддин Ишхок Самаркандийдир. Абдураззок Хиротда тугилганлигига қарамай «Самаркандий» деган нисба билан шухрат топганлигига сабаб, отаси Жалолиддин Ишхокнинг асли самаркандлик бўлганлиги ва яна бўлажак тарихнависнинг ўзи ҳам бир неча муддат Самаркандда яшаганлигидир.

Абдураззок Самаркандий дастлабки таълимни Хиротнинг ўзида олган. Кейинчалик Хиротдаги Темурийлар саройида қозилик ва имомлик лавозимида бўлган отаси ва ўз даврининг зиёлиларидан бўлган акалари Абулғаффор, Абдулқаххор, Абдулваххоблар қўмағида тафсир, ҳадис, фикх, тарих ва тил-адабиёт фанлари бўйича чуқур маълумот эгаси бўлиб етишган. Атоқли адиб Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Абдураззок Самаркандийнинг мазкур илмлар бўйича яхши билимга эга эканлигини қуйидаги сўзлар билан тасдиқлайди: «Мавлоно Абдураззок... хушмуховара киши эрди... зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди...»

Отасининг саройдаги тутган мавқеига қўра тахмин қилиш мумкинки, Абдураззок Самаркандий ҳам давлат ишлари билан яқиндан таниш бўлган. Унинг яхши таҳсил қўрганлиги, бу борадаги иқтидори баландлиги туфайли отаси вафотидан сўнг, 1437/38 йили, 24 ёшида Темурийлар саройига хизматга олиниши бежиз эмас. Шундан сўнг, то 50 ёшига қадар, аввал Шохрух, кейин Хирот тахтини эгаллаган бошқа Темурий ҳукмдорлар — Мирзо Абулқосим Бобур (1452—1457), Султон Абу Саъид (1451-1469) ва тахтга ўтирган бошқа шахзодалар саройида давлат ишлари билан банд бўлади. Унинг замондоши Абдулвосе ан-Низомийнинг ёзишича, Абдураззок «хокони саъид (яъни Шохрух)нинг давлати замонида узок муддатлар шухратли ишларни бажаришни бўйнига олган, баъзи соҳибдавлат шахзодаларнинг хиз-матида садоратлик олий мансабига етишган, баъзи бошқаларнинг мулозиматида эса ноиблик ва хосликка эришган».

Бирок Абдураззокнинг ўзи асарларида мазкур садоратлик лавозимларини эслатмаса-да, тарихий воқеалар сирасидан унинг Темурийлар давлати хорижий дипломатик муносабатларни олиб бориш-да муҳим рол ўйнаганлиги англашилади.

XV асрнинг биринчи ярмида Темурийлар давлати билан Рум (Ки-чик Осиё), Миср, Хиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар орасида дипломатик алокалар йўлга қўйилган эди. Бу алокаларнинг амалга оширилишида Абдураззок Самаркандийнинг ҳам фаол иштирок этганлигига, унинг ўз элчилик сафарлари хақида келтирган ахборотлари яққол далил бўлаолади. Чунончи «Матлаъи саъдайн»га киритилган «Хиндистон сафари достони ва у ернинг ажойиб-гаройиботлари» деб номланган ўз сафар эсдаликларида Абдураззок Самаркандий 1442 йили Шохрух томонидан жанубий Хиндистонга юборилган элчиларга бошчилик килганлигини ёзади. Элчилар 1442 йили 13 январда Хиротдан йўлга чиқиб, шарки-жанубий Эрон, Арабистон, Хур-муз бандаргохи, Маскат, Арабистон денгизи оркали 1442 йил 17 октябрида Колькуттага етадилар ва бу шаҳарда беш ой, Вижаянагарда эса 1443 йил охиригача туриб, сўнг орқага қайтадилар. Қайтишда яна денгиз йўли билан Хурмузга, у ердан 1444 йил декабр ойида Хиротга етиб келадилар. Шу қаби «Матлаъи саъдайн»да Абдураззок Самаркандийни Шохрух Гилонга ва бошқа ерларга элчиликка юборганлиги эслатилади.

Абдураззок охириги марта Мисрга элчиликка юборилаётган пайтида Шохрух вафот этади ва шу боис элчилик амалга ошмайди. Шу қаби дипломатик алокаларда Абдураззок кейинги Темурий ҳукмдорлар Абулкосим Бобур, Султон Абу Саъидлар даврида ҳам фаол иштирок этганлиги, унинг ўз сўзларидан маълум.

1463 йилга келиб эса Абдураззок Самаркандийнинг ўз илтимосига биноан уни давлат ишларидан озод этдилар ва Хиротдаги Шохрухия хонакоҳига шайхлик вазифасига тайинлайдилар. Хижрий 887 йил жумод ал-аввал (1482 йил, июл-август) ойида шу шаҳарда оламдан ўтади.

Абдураззок Самаркандий шеър, араб тили грамматикасига оид рисола ёзганлиги маълум бўлса-да, лекин унинг бизгача етиб келган ягона тарихий асари — «Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи»)дир. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, икки жилдни ташкил этади.

Асарни Абдураззок Самаркандий асосан 1467-1469 йиллар орасида ёзиб тамомлаган ва 1470 йили яна давом эттириб, шу йилнинг сафар ойида тугаллаган.

«Матлаъи саъдайн»нинг биринчи жиддида қисқа тарзда Чингизхон авлодидан бўлган Эрон ҳукмдори Абу Саъид (1316-1335) хақида сўзлагач, сўнг соҳибкирон Амир Темур тарихи бошланади ва умуман 1304 йилдан 1405 йилгача Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, қисман Хиндистон ва бошқа мамлакатлар тарихига оид маълумотлар келтирилади. Тарихий воқеалар баёни Амир Темурнинг 17-шаъбон, 807 (18 феврал, 1405) йили Ўтрорда вафот этганлиги, унинг набираси Халил Султоннинг Самаркандца тахтга ўтирганлиги билан тугалланади.

Иккинчи жилднинг сўз бошисида муаллиф Амир Темур авлодлари хақида сўзламокчи эканлигини айтиб, воқеаларни Шохрухнинг Хиротда тахтга ўтирган вақтидан (март, 1405) бошлайди. Сўнг Шохрух вафоти (1447)дан кейин ҳукмронлик килган Темурийлар: Мирзо Абулкосим Бобур, Султон Абу Саъид ва бошқа шахзодалардан сўзлаб бўлгач, Хусайн Бойқаронинг Хиротда Ёдгор Мирзони катл этиб, иккинчи марта тахтга ўтириши хақидаги маълумотлар билан асарни тугатади.

Абдураззок Самаркандий «Мутлаъи саъдайн»да тарихий вокеалар баёнини солнома тарзида жойлаштирган. Асарнинг муаллиф ўзи яшаган даврдан (XV аср ўрталари) илгариги қисмлари солномаси аввал ёзилган асарлар асосида тузилган. Бу ҳақда Абдураззокнинг ўзи, 1427 йил вокеаларини яқунлар экан: «Хофизии Абрунинг ёзгани... «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунгурий» шу ерда тугади», дейди ва ўзининг асосий манбаи ушбу асар эканлигини таъкидлайди. Бундан кейинги йиллар тарихининг ёритилишига келсак, атиш мумкинки, уларнинг аксарини Абдураззок Самаркандий ўзи кўриб билган ёки шохидлар сўзларига асосланиб ёзган. Қандай бўлганидан катъий назар «Матлаъи саъдайн» саҳифаларида баён этилган тарихий вокеалар, ҳоҳ Хофизии Абрудан олинган қисмлар, ҳоҳ ундан кейинги қисмлар бўлсин тадқиқотлар учун манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, «Матлаъи саъдайн»да кўпроксиёсий вокеалар баён этилган. Лекин шу билан бирга Темурий ҳукмдорларнинг мамлакатни иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётида ўйнаган бунёдкорлик роли ҳам Абдураззок Самаркандийнинг диққат марказида бўлган. Шунинг учун ҳам XV асрнинг деярли уч чорагида Самарқанд ва Хирот шаҳарларидаги илм-фан, маданиятнинг юксаклиги ҳамда бу борада Мирзо Улугбек, Мирзо Бойсунгур ва баъзи бошқа шахзодаларнинг фаолиятлари ҳам изчиллик билан ёритиб берилган.

Эътиборга сазовор томони шуки, Абдураззок Самаркандийнинг «Матлаъи саъдайн» асари ўз даврида шухрат топган ва бир қанча таърихнавислар томонидан эътироф этилган. Сўнгра бу асар Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва халқаро муносабатлари тарихига оид нодир ва ишончли манба сифатида Оврупода ҳам танилиб, унинг айрим қисмлари XIX асрдан бошлаб бир неча марта француз (Ланглэ, Катрме, Блоше), инглиз (Эллиот), рус тилларида чоп этилган.

«Матлаъи саъдайн»нинг форсча матни 1936 йили Лохурда (Покистон) матншунос олим Мухаммад Шафе томонидан чоп этилган. Абдураззок Самаркандийнинг 1442—44 йиллардаги Хиндистон сафарномаси 1960 йили ўзбек тилида ва форсий танқидий матни билан, асарнинг 1405-1427 йиллар вокеалари (I жилд, 1-қисм) 1969 йили ўзбек тилида Тошкентда чоп этилди. 1992 йили эса «Матлаъи саъдайн»нинг шу қисмига киритилган Гиёсиддин Наккошнинг Хитой сафари кундалиги ўзбек тилида чоп этилди. Асарнинг II жилд 2-3-қисмлари ҳам ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилган бўлса-да, ханузгача чоп этилгани йўқ.

А. Ўринбоев